

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI



СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ АВЛОД ГАРОВИ



Ушбу шир остида жорий йилнинг 2-5 апрел кунлари Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги "Оқтош" санаторийсида Айёллар спорт фестивали бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касаба уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси кенгашлари фестивал ташкилотчилари бўлишди.

Иккинчи маротаба ўтказилган мазкур спорт тадбиридан қўзалинган асосий мақсад айёллар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш орқали саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш қизларни маънавий-ахлоқий камолотга йўналтириш, жамиятда, оилада ўз ўринларини топиши ва соғлом авлодни тарбиялаш, оилада соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган эди.

3-бет ▶

Сўнги янгилик!

Ушбу сонда:

Тел-Авив университети олимлари фотосурат ёки видеодаги тасвирлардан улардаги объектларнинг кимёвий таркибини аниқлаб берувчи гиперспектрал митти камера ишлаб чиқишди.

Бунга микроэлектромеханик технология (MEMS) ёрдамида эришилди. Сурат спектридан керакли "кимёвий" маълумотни ажратиш учун уни турли моддалар гиперспектрал сигнатуралари базаси билан солиштирувчи тегишли дастурий ишланма мавжуд.

Муаллифлар ишланмадан келгусида маиший техника, автомобил саноати, биотехнология ва миллий хавфсизлик мақсадларида фойдаланиш мумкинлигини тавсия этишяпти.



- UZMOBILE GSM тармоғи ишга туширилади 2
- Чўнтакбоп сканер 4
- Электрон тижорат соҳасида янги қадам 5
- Что такое облако в IT? 6
- Ҳар бир мурожаат қонун ҳимоясида 12
- Мехр-оқибат байрами 15

Jumadan Jumagacha

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг "2015 йил 29 март кuni ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови натижалари тўғрисида"ги қарори эълон қилинди.

Мамлакатимизда 2015 йил 29 март кuni бўлиб ўтган сайловда Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат арбоблари номидан самимий тилаклар билдирилган кутловлар келиши давом этмоқда. Жумладан: Икки муқаддас масжид ходими, Саудия Арабистони Подшоҳи — Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзинпин, Америка Қўшма Штатлари Президенти Барак Обама, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэ, Италия Республикаси Президенти Сержо Матарелла ва бошқа давлат ва жамоат арбоблари ўз табрикларини йўллаганлар. Кутловлар келиши давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг маънавият ва маърифат марказида "Соҳибқирон Амир Темур сиймоси — ватанпарварлик тимсоли" мавзудида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Тадбирда олий ўқув юртлиари профессор-ўқитувчилари, таниқли ёзувчи ва шоирлар, талабалар иштирок этди.

Хива ва Андижон шаҳарларида "Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар" деб номланган фестивал уюштирилди. Мазкур тадбирлар доирасида "Миллий таомлар кўргазмаси" ўтказилди. Шунингдек, халқ оғзаки ижоди намуналари, лапарлар, миллий қўшиқлар ижро этилди.

Нидерландиядаги Лейден университетида Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгаришларга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Мамлакатимиз дипломатия миссияси томонидан Лейден университети билан ҳамкорликда ташкиллаштирилган мазкур тадбирда Нидерландиянинг давлат идоралари, олий ўқув юртлиари, ишбилармонлар ҳамжамияти, ушбу мамлакатда аккредитациядан ўтган дипломатия миссиялари вакиллари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти ходимлари қатнашди.

Шу йилнинг 15 апрелида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида UZMOBILE GSM тармоғи ишга туширилади.

UZMOBILE GSM тармоғига абонентларнинг уланиши Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги барча "Ўзбектелеком" АК сотувлар офисларида 15 апрел кuni соат 14.00дан бошланади.

Эслатиб ўтамиз, 2014 йил 12 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мобил алоқа миллий оператори фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинган эди. Унга кўра, UZMOBILE филиали Ўзбекистон мобил алоқаси миллий операторига айланди ва мобил алоқа бозорига миллий компанияларнинг кенг иштироки учун зарур шароитларни яратиш ҳамда мамлакатнинг кўчма мобил алоқа тармоқларини янада ривожлантириш, шунингдек, ахборот хавфсизли-



гини таъминлаш вазифалари юклатилди.

Қарорга мувофиқ, 2014-2017 йилларда бутун Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб мобил алоқа миллий оператори UZMOBILEни жаҳон ишлаб чиқарувчиларининг энг янги ускуналарини ўрнатиш орқали жадал ривожлантириш назарда тутилган.

"Ўзбектелеком" АК UZMOBILE филиали CDMA-450 EV-DO тармоғини фойдаланишга топшириш ҳамда келгусида ривожлантириши давом эттиради. Шу билан бирга, UZMOBILE

GSM стандарти тармоғининг қурилиши фаол олиб борилади.

2016-2017 йилларга бориб, бутун Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб 2G/3G ва 4G технологияси жорий этилган UZMOBILE GSM тармоғини кенгайтириш кўзда тутилган.

UZMOBILE ўз абонентлари учун қулай ва арзон тариф режалари, шунингдек, ҳар икки: CDMA-450 EV-DO ҳамда GSM 2G/3G, 4G LTE стандартлари устуниликларидан фойдаланган ҳолда сифатли хизматлар тақдим этиш йўлида иш олиб бораётир.

Электрон ҳукумат архитектураси ҳамда лойиҳалар

Савдо-саноат палатасида Электрон ҳукумат архитектураси, уни ташкил этишнинг муҳим асослари, давлат хизматларини электрон шаклга ўтказиш, маълумотлар базасини яратиш ҳамда давлат ташкилотлари ўртасидаги ҳужжат алмашинувини электрон шаклга ўтказиш юзасидан давра суҳбати бўлиб ўтди.



Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг ўринбосари, АКТ бўйича маслаҳатчи Ким Нам Соқ, "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш маркази директори Шерзод Ҳабибуллаев, Савдо-саноат палатаси раҳбари Алишер Шайхов, БМТ дастурларини такомиллаштириш бўйича доимий вакилининг ўринбосари Фарид Қорахонов, БМТТД Самарали бошқарув бўлими раҳбари Азиза Умарова ҳамда дастурлаш компаниялари, электрон ҳукумат марказининг мутахассислари қатнашишди.

Алишер Шайхов давра суҳбатини очар экан, ишбилармонликни ривожлантиришда Очiq маълумотлар базасининг аҳамияти муҳимлигини, жисмоний ва юридик шахслар ундан эркин фойдаланишлари даркорлиги — бу электрон ҳукумат тизимининг бир элементи эканлиги ва ҳукуматимиз ҳам ушбу тизимни ривожлантиришга катта аҳамият бераётганлигини таъкидлади.

Шерзод Ҳабибуллаев ўз чиқишида йиғилганларни электрон ҳукумат тизимини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ислохотлар билан таништириб, юзага келган фикр-мулоҳазалар ҳамда таклифлар келгуси фаолиятдаги самарадорликка ўз таъсирини кўрсатишини билдирди.

Давра суҳбатида "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш марказининг етук мутахассислари, "USD Micros" МЧЖ ҚК бош директори М.Хримпач, ВеPro дастурчилик маркази мутахассиси Г.Стибанлар сўзга чиқишиб, Очiq маълумотлар базасини яратиш, унинг давлат ташкилотлари билан техник алоқасини йўлга қўйиш масалалари ечими борасида ўз фикрларини билдиришди.

Ким Нам Соқ Корея тажрибасидан келиб чиққан ҳолда идоралар ўртасидаги ҳужжат алмашинувида юзага келиши мумкин бўлган муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари хусусида амалий маслаҳатлар берди.



Ягона порталда янги хизмат

Ягона интерактив давлат хизматлари порталида Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармаларига алоқанда томфадаги фуқароларга бепул тиббий хизмат кўрсатиш бўйича махсус йўлланма (ордер) олиш учун арза юбориш хизмати йўлга қўйилди.

Хизмат туридан ушбу имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган барча жисмоний шахслар фойдаланишлари мумкин.

Электрон аризани юбориш жараёнида шифокор томонидан махсус тиббий кўрикдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг сканерланган нусхаси, шунингдек, бемор ушбу имтиёзга эга эканлиги ҳақидаги маълумотноманинг электрон шакли илова қилинади.

Юборилган ҳужжатлар ўрганиб бўлинган, 10 иш кuni мобайнида Ягона порталдаги фойдаланувчининг шахсий кабинетига, шунингдек, рўйхатдан ўтганда кўрсатилган электрон почта манзилига бепул тиббий хизмат учун махсус йўлланма (ордер) олиниши тўғрисида хабар жўнатилади.

◀ 1-бет

Фестивалда алоқа ва ахборотлаштириш тизимидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ёши 20дан кичик бўлмаган ҳамда 45дан юқори бўлган аёл раҳбарлар, ишчи-ҳодимлар (жами 140 нафарга яқин хотин-қизлар)дан ташкил топган ҳудудий терма жамоалар аъзолари иштирок этишиди.

Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон касабаси уюшмалари федерацияси кенгаши раиси ўринбосари Тўлқин Тешабоев, Республика алоқа ҳодимлари касабаси уюшмаси кенгаши раиси Асрор Ишанходжаев ва бошқалар мамлакатимизда хотин-қизларнинг саломатлигига, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларига давлат сиёсати даражасида эътибор берилганини алоҳида эътироф этишиб, алоқачи аёллар ўртасида ўтказилаётган спорт тадбирлари ҳам бу борадаги узлуксиз ишларнинг амалдаги исботи эканини таъкидлашди ва мусобақа иштирокчиларига омад тиллашди.

Маросимда Тошкент ахборот технологиялари университетининг санъатсевар ёшлари ўз бадий чиқишлари билан иштирокчиларга байрамона кайфият улаштирди. Шундан сўнг фестивалнинг асосий спорт мусобақаларига старт берилди. Дастлаб терма жамоалар аъзолари спортнинг шахмат, шашка ва кўпкураш мусобақаларида беллашишди. Иштирокчилар ўзаро ҳурмат ва бир-бирларини қўллаб-қувватлаган ҳолда юқори кайфиятда ўтган мусобақаларда андижонлик Зуҳра Мамажоновна, Гулчирай Усмонова, бухоролик Мавлуда Ҳасанова, хоразмлик Моможон Давлетова, самарқандлик Зулхумор Эргашева ва тошкентлик Жанна Нигайлар ўз маҳоратларини кўрсата олишди. Кўпкураш беллашувларида Сирдарё, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятлари терма жамоалари ғолиб бўлишди. Кунинг иккинчи ярмида ўтган волейбол ўйинлари эса жуда қизиқarli кечди. Айтиш мумкинки, ушбу мусобақаларда ёшидан қатъи назар барча иштирокчилар бир тану бир жон бўлиб беллашишди. Унда Тошкент шаҳри, Сурхондарё ва Навоий вилоятлари терма жамоаларининг қўллари баланд келди.

Бўстонлиқ тоғлари узра оқшом ўз сепини ёйганда фестивал қатнашчилари "Бувижоним алласи" маданий тадбирида иштирок этиш учун санаторийнинг Маданият саройида йиғилишди. Миллий урф-одатларимизни қадрлаш ва авлоддан-авлодга етказиш мақсадида фестивал дастурига киритилган ушбу тадбирда иштирокчилар ўз ҳудудларида куйланадиган аллақушиғига асосланган қадимий урф-одатлари ва қадриятларини акс этти-

ри билан барчанинг олқишию эҳтиромига сазовор бўлишди. Ҳа, шу кун алоқачи хотин-қизлар дилбар куй-қўшиқлари, мафтункор рақслари билан санаторийга дам олишга келган отахону онахонларнинг кўнгилларини хушнуд қилишди. Хоразм лазгиси, Андижон полкаси ва тановарга рақсга тушган алоқачи қизларнинг маҳоратига барча тасанно айтди. Саройга йиғилганларнинг ҳамма-ҳаммаси биргаликда рақсга

эди. Бу йилги саралаш мусобақалари эса Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида "Ўзбектелеком" АК, "Матбуот тарқатувчи" АК, "Ўзбекистон почтаси" АЖ ва уларнинг филиаллари, алоқа корхона, ташкилот ва муассасалар жамоалари ўртасида 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни ҳамда Наврўз байрамлари арафасида ташкил этилиб, уларда 3500 нафардан зиёд хотин-қиз иштирок этди. Мусобақаларда қатнашган аёллар сони ўтган йилга нисбатан икки мартаба кўп бўлди.

Жорий йилги фестивал давомида иштирокчилар тиббий кўрикдан ўтиб, санаторийдаги фитобар, тузли ва хвойли ванналар, физиотерапия, массаж каби муолажалардан фойдаланишди.

СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ АВЛОД ГАРОВИ



рувчи саҳна кўринишлари, куй ва тароналарни намоён қилиб беришлари керак эди. Бир сўз билан айтганда, ушбу чиқишларда барча иштирокчилар ўз вилоятларидаги урф-одатларни моҳирона кўрсатиб бера олишди. Айниса, Қашқадарё, Сирдарё, Андижон, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси терма жамоалари аъзолари қойилмақом ижрола-

тушди, куйлади, кўнгиллар завқу шавққа тўлди, унутилмас таассуротлар олди.

Тобора аънанавий тусга кириб бораётган Аёллар спорт фестивалининг ўтган 2014 йилги саралаш мусобақаларида 1500дан зиёд хотин-қизлар иштирок этган бўлиб, финал беллашувларида вилоятлардан 13та ва Тошкент шаҳридан 2та терма жамоа қатнашган

Мусобақаларнинг финал босқичи ғолиблари алоҳида номинациялар, мос даражали дипломлар ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Фестивалнинг тақдирлаш маросимида Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири ўринбосари Иброҳим Жўраев иштирок этди ва сўзга чиқди.



Малоҳат МАҲМУДОВА,
"Ўзбектелеком" АК
Фарғона филиали Олтиариқ
ТБ электромеханиги:

— "Соғлом она — соғлом авлод гарови" шиори остида ўтказилган фестивал биз аёлларни спортга ошно бўлишга, шу орқали соғлом турмуш тарзига риоя қилишга ўргатди. Ҳақиқатан, соғлом ҳаёт кечирсак, ишимизда ҳам унум, оиламизда ҳам мустаҳкам саломатлик бўлади. Бу нафақат менинг, балки мазкур спорт тадбирида қатнашган барча алоқачи, спортчи ҳамкасбларимнинг яқдил фикрларидир. Яратилган шарт-шароитлар учун ташкилотчиларга ўз миннатдорлигимни билдираман.



Жанна НИГАЙ,
"Ўзбектелеком" АК
"ТШПТ" филиали
муҳандиси:

— Аёллар ўртасида Кексаларни эъозлаш йилида ташкил қилинган мазкур спорт байрамидан улкан таассуротлар олдим. Республика-мизнинг турли ҳудудларидан келган ҳамкасбларим ижросидаги аллалардан таъсирландим. Хоразм лазгисидан завқландим. Энг муҳими, бу фестивал бизни спорт билан мунтазам шуғулланишга ундади. Нафақат ўзимиз, балки оила аъзоларимиз билан биргаликда спорт тўғрақларига борсак, ҳаминша соғлом бўламиз. Шунда юртимиз равнақиға янада катта ҳисса қўша оламиз.



Мирхан ЕМБЕРГЕНОВА,
"Ўзбекистон почтаси"
АЖ Қорақалпоғистон
Республикаси филиали
Кўнғирот ПАТ оператори:

— Фестивал ташкилотчиларидан роса хурсанд бўлдим. Сабаби, кўплаб ҳамкасбларим билан яқиндан танишдим. Спорт тадбирлари давомида улар билан жудаям қадрдонлашиб кетдик. Тўғриси, пойтахтимизга биринчи бор келишим. Мана шу тадбир баҳона азим Тошкентни кўриб, беҳад севиндим. Таассуротларим бир олам. Истагим — ўзаро ҳамжиҳатликни, аҳилликни мустаҳкамловчи бундай тадбирлар тез-тез ўтказилиб турилса, айна муддао бўлар эди.

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

Xalqaro hayot

● Ямандаги қуролли тўқнашувлар қурбонлари сони 19 мартдан бери 549 нафарга етди — шулардан 200 нафари тинч аҳоли вакиллари. Бу ҳақда БМТнинг ижтимоий масалаларни мувофиқлаштириш бошқармаси хабар тарқатди.

Яна 1707 киши тан жароҳати олган.

● Эрон-Ироқ чегарасидаги Сомар-Мандали ўтиш жойи 35 йиллик танаффусдан сўнг очилди. Эслаш жоизки, икки мамлакат ўртасида бошланиб кетган уруш (1980-1988 йиллар) оқибатида яна учта чегарадан ўтиш жойи қатори Сомар-Мандали ҳам ёпиб қўйилган.

Диёла (Ироқ) вилояти кенгаши раҳбари Матнаъ ал-Тамийнинг айтишича, чегара ўтиш жойининг очилиши натижасида 1500 нафардан зиёд диёлалик ишли бўлади.

● Германияга ноқонуний миграция кучаймоқда. 2014 йили биргина федерал полиция 57 минг маротаба шундай ҳолатни аниқлаганди. Бу икки Германия бирлашганидан бери қўзғатилган рекорд кўрсаткичдир. "Чақирилмаган меҳмонлар" орасида Сурия, Эритрея, Афғонистон, Косово, Сербия ва Сомали фуқаролари кўпчиликни ташкил этади.

● Кубанинг собиқ раҳбари, айна пайтда 88 ёшга тўлган Фидел Кастро 14 ойлик танаффусдан сўнг оммага кўриниш бери.

Фидел Кастро Кубани 48 йил давомида бошқарди ва 2006 йили соғлиги ёмонлашгани туфайли сиёсатдан кетган, унинг ўрнига укаси — Раул Кастро мамлакат бошқарувини ўз қўлига олганди.

● Чехия полицияси мамлакатдаги супермаркетлардан бирига юборилган бананлар орасидан рекорд даражадаги — 100 килограмм кокаин моддасини фох қилди.

Мевалар орасидаги оғу айван қайси мамлакатдан келтирилгани маълум қилинмаган. Кейинги йилларда шунга ўхшаш ҳолатлар Дания ва Германияда кузатилганди.

● Шанба, 4 апрел куни сайёрамиз аҳолиси асримизнинг энг қисқа Ой тутилишини кузатиш имконига эга бўлиши.


Тошкент вақти билан соат 16.16да бошланиб, 5 дақиқа давом этган бу ноёб табиат ҳодисаси Шимолий Американинг шарқий ва Жанубий Американинг гарбий соҳилларида яхшироқ кўринди. Ҳиндистон, Хитой ва Океания мамлакатлари аҳолиси эса Ой тутилишининг сўнгги фазаларига гувоҳ бўлиши.



Энг зўр совға

Хитой Янги йили арафасида iOS қурилмаларининг кенг миқёсда сотилиши натижасида Apple компанияси бу мамлакатдаги энг йирик смартфонлар таъминотчисига айланди — улуши 27,6 фоиз. Масалан, China Mobile оператори абонентларининг 59 фоизи айфонларни ишлатаяпти.

Шаҳар аҳолиси орасида энг омма-лашган қурилма iPhone 6 бўлиб, унинг улуши 10,2 фоизга тенгдир. Оммавийлиги борасида кейинги ўринларда Xiaomi Redmi Note ва iPhone 6 Plus турибди.



IBM — патентлар қироли

Chetan Sharma Consulting компанияси 2014 йили мобил технологиялар соҳасида қўлга киритган патентлари сони бўйича компаниялар рейтингини аниқлади. Биринчи ўринга Samsung ўрнига IBM кўтарилди. Ўз тарихида бу борада энг яхши кўрсаткичга эришган Qualcomm компанияси — учинчи ўрин соҳиби. Етакчилар ўнлигида, шунингдек, Microsoft, Google, Sony, LG, Apple, BlackBerry ва Ericsson сингари донгдор IT-компанияларни учратиш мумкин.

Mobile Patents Granted in 2014

IBM
Samsung
Qualcomm
Microsoft
Google
Sony
LG
Apple
Blackberry
Ericsson

Source: Chetan Sharma Consulting, 2015

Дикқат: вируслар!

Google корпорацияси маълумотларига таянган бўлсак, ҳозир ишлатиладиган Android-қурилмаларнинг тахминан 10 миллиониси (1 фоиз)га потенциал хавфли иловалар ўрнатилган. Бундан расмий Google Play каталоги воситасида зарарланган қурилмалар сони 0,15 фоизни ташкил этади.

Мамлакатлар мисолида қаралганда, энг кўп зарарланган қурилмалар Россияда — 3 фоиздан кўп, шунингдек, БАА (1,25 фоиз)да кузатилган.

"Ижтимоий сайёра"

Жаҳонда ижтимоий тармоқлардан фойдаланувчилар сони 2 миллиарддан ошиб кетди. Бу ҳақда Strategy Analytics компанияси хабар тарқатди. Шундан деярли ярми, яъни 46 фоизи Осиё-Тинч океани минтақасида яшовчилардир. Дунё бўйича ижтимоий тармоқлардан фойдаланувчи ҳар тўртинчи инсон хитойликдир (25 фоиз — жами 495 млн. киши).

Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса етакчилик Шимолий Америкага ўтади — бу ерда қамров даражаси 64 фоизга етди, яқин таъқибчи бўлиниш Европада эса 55 фоизлик кўрсаткич қайд этилган.

Ижтимоий тармоқларга реклама жойлаштириш ўтган йили 41 фоизга ўсиб 15,3 млрд. доллардан ошди. Бу жами рақамли рекламанинг 11 фоизини ташкил этади.

Тармоқлар орасида Facebook етакчи (рекламаларнинг 75 фоизи) бўлса, энг яқин таъқибчи — Twitter рекламаларнинг 8 фоизини жалб эта олган.



Чўнтакбон сканер

Office Lens iOS ҳамда Android қурилмаларини универсал сканерга айлантиради. Гап шундаки, шу пайтгача Windows Phone қурилмалари учун татбиқ этиб келинаётган мазкур иловани энди Microsoft компанияси юқоридаги платформалар учун ҳам тақдим этишни бошлади. Office Lens, худди Scanner Pro, Scanbot ёки Evernote сингари ўхшаш ишланмалар каби смартфонни чўнтак принтерига айлантириб қолмасдан, уларга қараганда Microsoft Office дастурлари билан янада яқинроқ интеграциялашган.

РЕЙТИНГ

Интернет-трафик ишлаб чиқарувчилар

Буюк Британиянинг SimilarWeb компанияси жаҳон интернет-трафики ишлаб чиқарилишини мамлакатлар миқёсида ўрганиб қилди. Маълум бўлишича, рейтинг етакчиси — АҚШда глобал интернет-трафикнинг тўртдан бир қисми ишлаб чиқарилмоқда.



Урни	Мамлакат	Трафик и/к ўлчови (%)
1	АҚШ	25
2	Буюк Британия	5,6
3	Россия	5,1
4	Бразилия	4,4
5	Франция	3,9
6	Германия	3,5
7	Ҳиндистон	3,4
8	Канада	3,2
9	Япония	2,6
10	Туркия	2,5

С.ТЕМИРОВ тайёрлади

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги "Электрон тижорат тўғрисида"ги қонуни лойиҳаси электрон тижоратни ривожлантириш учун янги ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий ва техник шароитлар яратиб беради. Қонун лойиҳасининг муҳим ҳусусиятларидан бири – электрон шартномаларни расмийлаштириш ва ижро этиш жараёнларини енгиллаштиришдан иборат.

Электрон тижорат соҳасида янги қадам

Қонун лойиҳаси Президентимиз Ислам Каримовнинг 2013 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган Вазирлар Мақамаси йиғилишидаги маърузасида белгиланган вазифалар доирасида ишлаб чиқилган.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, электрон тижоратни қонунчилик асосида тартибга солиш мақсадида 2004 йили "Электрон тижорат тўғрисида"ги, 2005 йилда "Электрон тўловлар тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинган.

Ўтган вақт мобайнида ахборот технологиялари, иқтисодий жараёнлар ривожланди. Электрон тижоратнинг янги-янги имкониятлари очилди. Шунинг учун мазкур соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи меъриёв-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш, янада такомиллаштириш зарурати пайдо бўлди.

Янги таҳрирдаги "Электрон тижорат тўғрисида"ги қонун лойиҳаси шу мақсадда ишлаб чиқилган. Ушбу ҳужжат парламента депутатлар, мутахассислар томонидан қизғин муҳокама қилиняпти, турли фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдириляпти.

Шунга алоҳида эътибор қаратиш керакки, электрон тижорат тизимида маблағлар тез айланади, молиявий операциялар қисқа фурсатда бажарилади. Бу корхона-ташкilotлар, тадбиркорлик субъектларининг, умуман, мамлакат иқтисодиётининг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади. Бир сўз билан айтганда, электрон тижорат ривожланиши нақд пулсиз ҳисоб-китоблар, тўлов тизимининг самарадорлиги ва ўз вақтида амалга ошишини таъминлайди.

Қонун лойиҳасида электрон тижорат истиқболи билан бирга, ахборот соҳаси ривожланиши масаласи ҳам эътиборга олинган. Жумладан, унда телекоммуникация тизими операторлари, банк электрон танлов, аукцион ва ярмаркалар ташкил этиш билан шуғулланувчи юридик шахсларнинг истиқболига оид нормалар ўз аксини топмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги "Электрон тижорат тўғрисида"ги қонуни 2004 йилда қабул қилинганлиги, унинг янги таҳрири, биринчи навбатда, электрон шартномаларни тузиш механизмларини соддалаштиришга қаратилганлиги сабабли, мазкур

қонун лойиҳасининг қабул қилиниши қўшимча маблағлар сарф этилиши, давлат даромадлари камайишига ёки давлат харажатларининг ортиб кетишига олиб келмайди.

Ушбу қонун лойиҳаси бугунги кун талабларига мос равишда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга, истеъмолчилар билан ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги ўзаро алоқаларни янги босқичга олиб чиқишга, хўжалик юритувчи субъектлар, хусусан, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятида электрон тижорат имкониятларидан самарали фойдаланиш, уларнинг рақобатбардошлигини ошириш ва юқори иқтисодий натижаларга эришишда мустаҳкам асос бўлади.

Халқаро амалиётга мос равишда ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси электрон тижоратнинг асосий йўналишларини ҳуқуқий тартибга солувчи барча йўналишларни қамраб олган бўлиб, унда электрон тижорат соҳасида давлат сийсати, маҳсулот савдоси ва хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчиларнинг ички корпоратив муносабатлари, уларнинг истеъмолчилар ва ҳамкорлар билан ўзаро алоқалари ўз аксини топган.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши ҳамда республикада электрон тижоратнинг янада кенг жорий этилиши куйидаги имкониятларни яратди:

- савдо операцияларини амалга ошириш бўйича харажатлар (транзакцион харажатлар) камайишига, электрон тижорат субъектларининг бир-биридан географик узоқлиги билан боғлиқ муаммолар ҳал этилишига;

- сотувчилар ва харидорлар ўртасида тўғридан-тўғри, тезкор шартномавий муносабатларни ўрнатиш учун шароит яратишга, шу жумладан, бозорда янги иштирокчиларнинг пайдо бўлишига (бундай шароитда кичик бизнес субъектлари халқаро бозорда ҳам самарали рақобат қилишлари мумкин);

- ахборот тармоқлари воситасида электрон савдо қилишда операцияларнинг шаффофлиги ошишига, бу эса сотувчилар ва харидорларга қисқа фурсатда нархлар, сифат ва товарни етказиб бериш билан боғлиқ ҳар хил рақобатчилар таклиф этган маълумотларни олиш имкониятини беради;

- электрон тижоратда битимни ижро этиш механизмларини та-

комиллаштириш ва тартиб-таомилларини соддалаштириш ҳамда электрон тижоратда тузилган битимлар доирасида сотиб олинган товар маҳсулотлари ҳақини етказиб берилган манзилда тўлаш имкониятларини бериш;

- электрон тижоратда экспорт-импортга қаратилган битимлар тузилишини назорат қилиш ва ҳисобини юритиш механизмларини такомиллаштириш ва тартиб-таомилларини соддалаштириш орқали халқаро битимларни тузишда электрон контент ва товарларни божхонада расмийлаштириш тартибларини соддалаштириш;

- электрон тижорат ҳажмини ошириш мақсадида электрон тижорат соҳасидаги тадбиркорлик фаолияти учун солиқ юкларини камайтириш орқали давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш.

Қонун лойиҳасида электрон тижорат иштирокчилари маълумотлари ва шахсий маълумотлар хавфсизлигини таъминлашга, тушунчаларнинг таърифига, электрон тижоратда давлат харидларини амалга ошириш, шунингдек, хорижий иштирокчилар билан битимларни тузишда қўлланиладиган ҳуқуққа ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Ўтган вақт мобайнида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ҳузурида тузилган ишчи гуруҳи томонидан мазкур қонун лойиҳасини муҳокама қилиш орқали такомилга етказиш мақсадида ўндан ортқ йиғилишлар ўтказилди. Йиғилишларда вазирлик ва идоралардан келиб тушган таклиф ва мулоҳазалар ўрганилди.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги "Электрон тижорат тўғрисида"ги қонуни 14та моддадан иборат бўлса, янги таҳрирдаги қонун лойиҳаси жами 20та моддадан ташкил топмоқда.

Қонун лойиҳаси жаҳоннинг бир қатор мамлакатлари қонунчилиги билан қиёсланган ҳолда ишлаб чиқилиб, электрон тижорат фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи барча йўналишларни қамраб олган.

Бекзод ОРТИҚОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси, ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси

Бухгалтерлар учун семинар

Бухгалтерия бир тўсдаги ва ҳаракатни қам талаб қиладиган фаолият деб шаклланди. андозага қарамай, бу соҳа доимий ривожланишда. Шунинг учун ҳатто кўп йиллик стажга эга тажрибали мутахассислар ҳам бирор янги нарсани ўзлаштиришга, ўз тажрибаларини бошқалар билан баҳам кўриб, уларнинг тажрибасини ўрганишга интиладилар.



"Ўзбекистон почтаси" АЖ Қашқадарь филиалида ўтказилган семинарда ягона солиқ тўлови ҳисоб-китоби масалалари муҳокама қилинди. Филиал бош ҳисобчиси Саидмурод Тошмуродов корхонага берилган имтиёزلарни расмийлаштириш ва бухгалтерлик ҳисобида акс эттириш, бунда тежалган маблағлардан фойдаланиш тартиби, юридик шахсларга солиқлар, божхона ва мажбурий тўловларни бюджетга тўлаш бўйича берилган имтиёزلарни расмийлаштириш ва бухгалтерлик ҳисобида кўрсатиш тартиби тўғрисида маълумот берди.

Тадбир давомида солиқ хизматлари фаолиятининг барча босқичларига электрон ҳисоботни автоматик тартибда қабул қилиш ва унга ишлов бериш, шунингдек, солиқ тўловчилар билан алоқа ўрнатиш имконини берадиган дастурий комплекслар жорий қилинаётгани қайд этилди. Жумладан, бош касса, банкдаги пул ўтказмалари, коммунал корхоналар билан ҳисоб-китоб, кредитга қабул қилинган обуна, филиал билан туманлар орасидаги обуна бўйича ҳисоб-китоб, пластик карталардаги қолдиқ, тахририятлар билан ҳисоб-китоблар ҳақида сўз борди.

Афтондил ИСМОИЛОВ

Сотрудники VePro провели тренинг для работников "Узбектелеком"

4 апреля 2015 года в здании учебного центра "Узбектелеком" в Ташкенте сотрудники Центра программистов VePro провели тренинг по повышению квалификации работников организаций и предприятий, входящих в систему Министерства по развитию информационных технологий и коммуникаций Республики Узбекистан.

Тренинг был организован в рамках программы "Внедрение и дальнейшее развитие информационно-коммуникационных технологий в государственном управлении", сообщается на сайте учебного центра.

В тематическом блоке "Автоматизация бизнес-процессов в реальном секторе экономики: технологии и решения" начальник отдела проектирования и консалтинга Центра Герман Стимбан выступил с лекцией на тему "Использование OpenSource-решений в повседневной жизни". В ходе лекции была представлена информация о преимуществах, достижениях и недостатках ОС Linux; работах по дистрибутиву Dorrpx, перспективах развития данного проекта.

Менеджер отдела продаж и маркетинга Дамир Рамазанов выступил с презентацией на тему "Введение в ITIL", в ходе которой подробно рассказал о методологии управления ИКТ на базе инфраструктурной библиотеки "лучших практик" в IT — ITIL (IT Infrastructure Library).

В учебных курсах, которые начались в январе текущего года, принимают участие в общей сложности 362 работника сферы информационных технологий и коммуникаций.

Таможенный комитет лидирует по количеству обращений через ЕПИГУ

В пятерку лидеров по количеству поступивших обращений вошли Государственный таможенный комитет, МВД, Премьер-министр Республики, Кабмин и хокимият города Ташкента.

При этом надо отметить, что с существенным отрывом лидирует ГТК, принявший более 86 тыс. обращений, сообщает Norma.uz.

— Причина популярности ГТК на ЕПИГУ объясняется большим количеством услуг, представленных комитетом на портале, — говорит Нелли Каримова, главный специалист по связям с общественностью отдела развития Единого портала интерактивных услуг Центра развития системы "Электронное правительство". — В региональном же разрезе по количеству обращений лидирует Ташкент. Его жители подали более 15 тыс. обращений. За столицей следуют Ташкентская, Хорезмская и Ферганская области.

Госзакупки на УзРТСБ стали еще проще

С 1 июня 2015 года на портале УзРТСБ будет запущена новая электронная торговая система (электронный каталог) по государственным закупкам.

Новая система позволит сократить время на оформление приобретения товаров (работ, услуг) первой необходимости по контрактам на сумму в эквиваленте не более 100 тыс. долл. США до 48 часов.

Согласно нововведениям — электронный каталог будет сформирован из предложений поставщиков, адресованных заказчикам. Реформы коснулись и работы гарантирующих поставщиков, если ранее они наряду с остальными вносили залоговые суммы для участия в торгах по госзакупкам, то теперь в этом нет необходимости, но для остальных поставщиков залог обязателен.

В сегодняшний день сфера телекоммуникационных технологий бурно развивается. Одним из быстро развивающихся технологий считается облачное вычисление (Cloud Computing). В этой статье мы подробнее рассмотрим эту технологию.

ЧТО ТАКОЕ ОБЛАКО В ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЯХ?

Сама идея облачных вычислений относительно абстрактная: крупный оператор предоставляет виртуальную сеть, виртуальную память, виртуальный компьютер. Поставщик персональных обеспечений накладывает на эту платформу свои приложения, а потребителю остается лишь пользоваться услугами и сервисами.

Все вычислительные группы предоставляют услуги частным лицам, например, для поиска информации в интернете, ведения персонального почтового ящика, участия в социальных сетях, а также для работы других приложений Web 2.0. Как и архитектура общих вычислительных групп, которая предоставляет вычислительные мощности по требованию, эти услуги также приобретают все большую популярность у компаний малого бизнеса и у начинающих компаний, не обладающих достаточными стратегическими инвестициями в информационных технологиях.


Развитие рынка Cloud Computing определяют два главных фактора: повышение эффективности бизнеса компаний и снижение затрат на инфраструктуру.

На сей день статистика IDC рынка оценивается примерно в \$175 млрд. С 2006 года концепция глубоко проникает в различные сферы информационной технологии, которая занимает с каждым днем весомую роль в практике: рынок публичных облачных вычислений по всемирной оценке к 2009 году составляет около \$17 млрд; то есть примерно 5 процентов от всего рынка ИТ, а к 2014 году финансовые затраты на инфраструктуру и услуги повысились на 90,28 процентов.

В процессе прогресса облачных вычислений участвуют три категории участников рынка.

Первая категория — универсальные телекоммуникационные операторы, инфраструктурные телекоммуникационные операторы, у которых есть возможность обеспечить пользователям широкополосный доступ и имеющие собственные центры обработки данных. В условиях, когда прибыль с трафика падает, такой оператор способен предложить новые ресурсоемкие сервисы, например, как виртуальный сервер и виртуальная среда хранения данных. Для крупных телекоммуникационных операторов появляется возможность повысить доходность бизнеса. Их ниша — инфраструктура как сервис. Модель IaaS позволяет компаниям различных секторов рынка отказать от содержания собственной телекоммуникационной инфраструктуры, перенести такие ее компоненты, как серверы, память, системы безопасности, на услуги телекоммуникационных операторов.

Вторая категория — ведущие производители оборудования: IBM, HP, Cisco и др. Имея возможность строить мощные центры обработки данных и размещать там много вычислительной техники, они начинают продвигать различные услуги (мониторинг, сетевая безопасность и т.д.) — а заодно и свои продукты. Как и телекоммуникационные операторы, они тоже



предоставляют услуги класса IaaS.

Третья категория — поставщики программного обеспечения. Среди них есть компании, с целью направленные в основном на массовый рынок (consumers market): Google, Amazon. Они не только предоставляют потребителям конечный продукт, но и оказывают свои услуги как сервис (Platform as a Service, PaaS). С помощью такого набора программных инструментов потребители могут сами создавать разные приложения и затем использовать их для себя, либо публиковать для общего пользования.

Минимизация затрат в том, что заказчику решений на основе технологии Cloud Computing не обязательно приобретать серверы и дорогостоящие лицензии, т.е. уменьшается стоимость затрат. Тестирование показывают, что в среднем серверные оборудования используются на 15-20 процентов от имеющегося ресурса и существуют очень короткие пики, требующие максимальной мощности. Имеет возможность увеличивать мощность на какой-то период, платить только за то, что использовали, — это и есть экономия. Плюс сокращение расходов на службу поддержки технического персонала — администраторов, технических специалистов и т.д.

Исходя из этого на основе технологии Cloud computing уменьшается стоимость затрат для информационных технологий.

Экономика бывает тогда, когда есть возможность платить за то, что использовали и увеличение возможности на какой-то период, сокращение расходов на технических операторов, администраторов, то есть на службу технической поддержки. Специалисты, такие как фармацевтика, финансовые услуги, высокопроизводительные вычисления для поддержки частных вычислительных групп, размещенных брандмауэром также развешивают Cloud-архитектуры. Это и есть настоящая модель использования на начальном этапе. При поддержке уже имеющихся в эксплуатации технологий виртуализации, ожидается развитие этой модели.

Шахзод ДЖУРАКУЛОВ,
магистрант первого курса
Ташкентского университета
информационных технологий

Жаҳон + TV

ЎЗБЕКИСТОН

ДУШАНБА — 13 АПРЕЛ

- 5.55 Курсувалар дастури.
- 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон".
- 7.00 "Ер сайёри" Х/ф.
- 7.25 Милли сериал: "Хаёт валиси".
- 8.00 Таҳдиднома.
- 8.40 "Кониот" Х/ф.
- 9.35 "Рудинус" Т/с.
- 10.15 "Иқлим".
- 10.20 "Ватанпарвар".
- 11.00 "Ахборот".
- 11.10 "Муқаддас ришталар" Т/с.
- 11.55 "Иқлим".
- 12.00 "Ассалом, Ўзбекистон".
- 13.00 "Мари Кюри" Т/с.
- 14.00 "Ахборот".
- 14.15 "Зме" студияси: "Эътиқод мустақимдани йўлида".
- 14.45 Милли сериал: "Меҳмон-қондордан айланган".
- 15.15 "Хаёт" Х/ф.
- 15.40 "Қишлоқ ҳаёти".
- 16.00 "Билдимон". Интеллектуал танлов.
- 17.00 "Ахборот".
- 17.10 "Субботиш".
- 17.20 "Корачик".
- 17.40 "Агроолам".
- 18.00 "Кўнгил қушиқ истайди".
- 18.05 Милли сериал: "Туташ тақдирлар".
- 18.50 "Иқлим".
- 19.05 "Иқимонт".
- 19.25, 20.00 20.58 Эълонлар.
- 19.30 "Ахборот" /рус/.
- 20.05 "Муқаддас ришталар" Т/с.
- 21.00 "Ахборот".
- 21.40 "Ўнубосат".
- 22.25 "Кўнгил қушиқ истайди".
- 22.30 - 23.15 "Доктор Хауе" Т/с.
- 23.15 "Ватанпарвар".
- 00.00 Милли сериал: "Туташ тақдирлар".
- 00.40 "Агроолам".
- 0.00 "Ахборот" /рус/.
- 1.30 Милли сериал: "Меҳмон-қондордан айланган".
- 2.40 "Шарқ тароналари".
- 2.15 "Нақдлар жиқиси".
- 2.25 ТелеТеатр: "Дилафрузга тўрт ошиқ" 1-қисм.
- 3.00 "Ассалом, Ўзбекистон".
- 4.00 "Ахборот".
- 4.40 Милли сериал: "Хаёт валиси".
- 5.10 "Қўриққозлар".
- 5.35 - 5.55 "Қишлоқ ҳаёти".

- 00.10 "Галактика" Х/с.
- 1.50 "Юрт келажиги".
- 2.00 "Қамолот-инфо".
- 2.10 "Таранним".
- 2.50 "Абдоси ва ҳақиқат".
- 3.50 "Мўъжизани дунё".
- 4.40 "Доктор Қуни" Т/с.
- 5.30-6.00 "Давр".

ЎЗБЕКИСТОН

- 5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним".
- 6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00 "Роуат".
- 6.20 Милли сериал: "Фидоилар".
- 7.00 "Тошқент вақти".
- 9.10 "Дус Мария" Т/с.
- 9.50 "Роуат-спорт".
- 10.20 "Посредник Кейт" Т/с.
- 11.10 "Нежланин принц" Х/ф.
- 12.35 "Поитхат-культура".
- 12.45 "Моҳиёт".
- 13.15 "Дилбиним".
- 13.45 "Роуат-геројат".
- 14.15 Тақдирлар.
- 14.50 "Роуат-бизнес".
- 15.10 "Интитком" Т/с.
- 15.50 "Роуат-спорт".
- 16.10 "Оғилани ришталар" Б/ф.
- 17. "Бакт қўрғони".
- 17.55 "Ишга марҳумат".
- 18.20 "Ҳимоя".
- 18.35 "Мобил камера".
- 18.50 "Роуат-интервью".
- 19.00 "Дус Мария" Т/с.
- 19.45 "Теле-маркет".
- 20.20 "Интитком" Т/с.
- 21.10 "Поитхат йўлларида".
- 21.35 "Роуат-еко".
- 21.45 "Теле-маркет".
- 22.00 "Австралия" Х/ф 1-қисм.
- 22.40 "Профессинал".
- 23.05 "Дустар асосида".
- 00.35 "Селтахит".
- 1.00 "Роуат-еко".
- 1.10 "Посредник Кейт" Т/с.
- 1.50 "Роуат-бизнес".
- 2.10 "Бори устулиги" Б/ф.
- 3.55-5.55 "Тошқент вақти".

SPORT

- 6.00 "Ватан меҳри".
- 6.10 "Таранним".
- 7.00 "Белаят галереяси" Т/с.
- 7.40 "Ёшиқ наволарни".
- 8.00 "Виннетт" Б/ф.
- 8.40 "Юрт келажиги".
- 9.50 "UzEX".
- 10.00 "Қамолот-инфо".
- 10.10 "Қасоскор бурғут" Т/с.
- 11.00 "Ҳотира саодати".
- 11.10 "Мўъжизани дунё".
- 12.00 "Доктор Қуни" Т/с.
- 12.50 "UzEX".
- 13.00 "Давр".
- 13.10 "Шерлок Ҳолмс ва доктор Ватсон" Б/ф.
- 14.30 "Нуган назар".
- 15.10 "Оғилани даври" Т/с.
- 16.00 "Давр".
- 16.10 "Доктор" Т/с.
- 17.00 "Қамолот-инфо".
- 17.10 "Соғлом ҳаёт".
- 17.30 "Усто" Б/ф 1-қисм.
- 18.50 "UzEX".
- 19.00 "Давр".
- 19.20 "Сарой жаҳодири" Т/с.
- 20.30 "Навой хазинаси".
- 20.40 "Ёшиқ наволарни".
- 21.00 "Қўбқончилар" Т/с.
- 22.00 "Давр".
- 22.30 "Вафо ва жафо" Б/ф.

- ЧЕМПИОНАТИ "ЛОКОМОТИВ" - ВУНДЕКОР.
- 23.40 "Техноспорти".
- 23.50 "SPORT REPORT".
- 00.05 Профессинал бокс.
- 1.00 ХАБАРЛАР.
- 1.25 ИНТЕРФУТБОЛ.
- 3.05 Валетлар. Чемпионал лигаси.
- 4.15 "Поитхат Кловерт". Хужжати филми.
- 4.40-6.00 Теннис. АТР/WTA турнири.

- 04.00 Телеканал "Доброе утро".
- 07.00 08.00 11.00 14.00 02.00 Новости 07.05 "Поле чудес".
- 08.10 Контрольная закупка.
- 08.35 "Жить здорово!".
- 09.35 Модный приговор.
- 10.30 Фазела.
- 11.15 "Сегодня вечером".
- 12.30 "Время покажет".
- 14.20 "Время покажет". Продолжение.
- 15.15 "Мужское/Женское".
- 16.10 "Наедине со всеми".
- 17.00 Вечерние новости.
- 18.00 "Давай поженимся!".
- 19.00 "Туты говорят".
- 20.00 "Время".
- 20.30 Т/с "Одиакши в Ростове".
- 22.05 "Вечерний Ургант".
- 22.40 "Полюс".
- 23.40 Ночные новости.
- 23.55 Т/с "Страна 03".
- 00.45 "Наедине со всеми".
- 01.45 "Время покажет".
- 02.05 "Время покажет". Продолжение.
- 02.35 Модный приговор.

- 05.00 "Утро России".
- 09.00 02.55 "Эволюция будущего".
- 09.55 Ток-шоу "О самом главном".
- 11.00, 14.00, 17.00, 17.30, 20.00 Вести.
- 11.35, 14.30, 17.10, 19.35 Местное время. Вести-Москва.
- 11.55 Т/с "Тайны следствия".
- 12.55 "Собой случай".
- 14.50 Вести. Дежурная часть.
- 15.00 Т/с "Последний выиграл".
- 16.00 Т/с "Цвет чермухи".
- 18.15 "Прямой эфир".
- 20.50 "Спокойной ночи, малыши!".
- 21.00 Т/с "Селфи-фобия".
- 22.50 Д/ф "Штурм Берлина. В логове зверя".
- 00.00 Д/ф "Севастополь. Русская Прага".
- 01.05 Т/с "Закон и порядок-20".
- 04.00 "Комната смеха".

- 05.00 Кофе с молоком.
- 05.00 Дале врачев.
- 09.00, 12.00, 15.00, 18.00 Сегодня.
- 09.20 Т/с "Возвращение Мухомара".
- 11.00, 12.20 Суз призрачных.
- 13.30 Обзор. Чрезвычайное происшествие.
- 14.00 Всё будет хорошо!
- 15.20 Т/с "Улицы разбитых фонарей".
- 17.00 Говорим и показываем.
- 18.40 Т/с "Ленинград 46".
- 20.40 Т/с "Ментовские войны".
- 21.40 Анатомия дня.

- 22.30 Т/с "Мастера секса".
- 23.40 Т/с "Второй шанс".
- 00.50 Ахтунг, руссии!
- 01.50 Суздебный детектив.

РОССИЯ K

- 07.00 "Евроновас".
- 07.00, 15.00, 19.00, 23.20 Новости культуры.
- 10.15 "Наблюдатель".
- 11.15 Х/ф "Волга-Волга".
- 13.00 Д/ф "Тико Браге".
- 23.10 Линия жизни.
- 14.05, 01.40 Т/с "Петербургские тайны".
- 15.10 "Привыкшая дверь".
- Писатель Л. Пантелеев.
- 15.45 Х/ф "Осенний марафон".
- 17.00 Д/ф "Беллинзона. Ворота в Италию".
- 17.35, 01.00 Д/ф "Яхонтов".
- 18.15 Д/с "Прекрасный полк".
- 18.55, 23.15 "Написано войной".
- 19.15 Главная роль.
- 19.30 "Сати. Несуказная классика...".
- 20.10 "Правда жизни".
- 20.40 Д/ф "Тагари".
- 21.00 "Тези временяи".
- 22.20 "Монолог в 4-х частях".
- 22.50 Д/ф "Раскрекченная история".
- 23.40 Д/ф "Бенджамин Бриттен. Мир и конфликты".
- 02.35 Д/ф "Гавр. Поэзия бетона".

СТС

- 07.00 Мультисериал.
- 09.00 "Животный смех".
- 09.30 "Планыш дочка".
- 10.30 "Майор Пети".
- 12.20 "Знакомство с Факерами".
- 14.30 19.00 "Ералаш".
- 15.15 "Грудный ребенок-2".
- 17.00 "Нервальная история".
- Сатирический алмазах.
- 18.00 "Тализо" Научно-развлекательный журнал.
- 20.00 Шоу "Уральских пельменей".
- Пель и Мень смешат на помощь. Часть 1.
- 21.00 "Корабль" Фантастико-приключенческий сериал.
- 22.00 "Хеллоу. Парень из лекла".
- Фантастический боевик, США, 2004 г.
- 00.15 "Агенты Ш. И. Т." Фантастический сериал.
- 01.00 "6 кадров".
- 01.30 "Кино в деталях с Фелором Бондарчуком".

ТВ3

- 06.00 Мультифильм.
- 09.30 Д/с "Вокруг света".
- 10.30, 11.00, 12.00, 13.00, 12.30 Т/с "Без свидетелей".
- 13.00 Д/с "Горючие легенды".
- 14.00, 14.30 Д/с "Охотники за привидениями".
- 15.00 "Мистические истории".
- 16.00, 16.30 Т/с "Галлака".
- 17.00, 17.30 Т/с "Слепыя".
- 18.00, 01.15 "X-версии. Другие новости".
- 18.30 Т/с "Пятая стража".
- 19.30, 20.30 Т/с "Тринадцатый".
- 21.30, 22.30 Т/с "Менталист".
- 23.15 Х/ф "Вороженье".
- 01.45 Х/ф "Жена астронавта".
- 04.00, 05.00 Д/с "Величайшие фокусники мира".

ОЗБОРОН

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Ёр сайёрис", Х/ф.
7.25 Миллий сериал: "Ҳаёт вальси".
8.00 "Азборот".
8.40 "Кониот", Х/ф.
9.30 "Рухулнос", Т/с.
10.15 "Атросам".
10.30 "Судбағил".
10.40 "Корчиқ".
11.00 "Азборот".
11.10 "Муқаддас ринглар", Т/с.
11.55 "Иқлим".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Мария Кюри", Т/с.
14.00 "Азборот".
14.15 "Қуръанимаъ ҳақида".
14.40 Миллий сериал: "Меҳмондорлик айлави".
15.10 "Ҳаёт", Х/ф.
15.40 "Тарихнинг олтин саҳифалари".
16.00 "Текор ҳабаблар".
16.10 "Кўзи ободилар".
16.30 "Азборот", /инглиз/.
16.40 "Ишқонинг".
17.00 "Азборот".
17.10 "Қўлларнинг маъжудлик сирин", Х/ф.
17.40 "Қўлларнинг бирида".
17.55 "Иқлим".
18.00 "Кўнги қўнқи истайди".
18.05 Миллий сериал: "Туташ тақдирлар".
18.50 "Иқлим".
19.05 20.15 йил - "Қасдаларинг эълонига йил", "Эъло".
19.25 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Азборот" /рус/.
20.05 "Муқаддас ринглар", Т/с.
21.00 "Азборот".
21.40 "Устуроб".
22.00 "Кўнги қўнқи истайди".
22.05 - 22.50 "Доктор Ҳусе", Т/с.
22.50 "Қўлларнинг маъжудлик сирин".
23.15 "Кўнги ободилар".
23.35 "Тарихнинг олтин саҳифалари".
00.00 Миллий сериал: "Туташ тақдирлар".
00.40 "Эъло".
1.00 "Азборот" /рус/.
1.30 Миллий сериал: "Меҳмондорлик айлави".
2.00 "Шарқ тароналари".
2.15 "Тулдар жойибас".
2.25 ТелеТеатр: "Диндариға тўрт ошқ", 2-қисм.
3.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
4.00 "Азборот".
4.40 Миллий сериал: "Ҳаёт вальси".
5.10 "Хоразм Милъун академикси".
5.30 "Қўлларнинг бирида".
5.35 - 5.55 "Устуроб".



6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Таринум".
7.00 "Велаят гаварисин", Т/с.
7.40 "Ешлик наволари".
8.00 "Оқ бурилар", Б/ф.
9.40 "Юрт келажиги".
9.50 "UzEX".
10.00 "Давр".
10.10 "Кубубоначилар", Т/с.
11.10 "Муъажжиз дунё".
12.00 "Доктор Қўнғи", Т/с.
12.50 "UzEX".
13.00 "Давр".
13.10 "Шерлок Холмс ва доктор Ватсон", Б/ф.
14.30 "Шарқ гаварисин".
15.00 "Оғоҳ бўлинг".
15.10 "Олтин даврим", Т/с.
16.00 "Давр".
16.10 "Даврлар", Т/с.
17.00 "Хотирга солаётин".
17.10 "Аюпатура".
17.30 "Учто", Б/ф, 2-қисм.
18.50 "UzEX".
19.00 "Давр".

19.30 "Сарой алоҳиди", Т/с.
20.20 "Наъсий хазиини".
20.40 "Ешлик наволари".
21.00 "Кубубоначилар", Т/с.
22.00 "Давр".
22.30 "Муҳаббат узуги", Б/ф.
10.00 "Галактика", Х/с.
1.50 "Юрт келажиги".
2.00 "Юрт гаварисин".
2.10 "Таринум".
2.50 "Арфана ва ҳақиқат".
3.50 "Муъажжиз дунё".
4.40 "Доктор Қўнғи", Т/с.
5.30-6.00 "Давр".


СЕРИАЛ

5.55 "Ягонаси, муқаддас Ватаним!"
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00 "Роғдат".
6.00 Миллий сериал: "Физоабилар".
7.00 "Тошкент вақти".
9.10 "Ўлу Мария", Т/с.
9.50 "Роғдат-сронт".
10.20 "Посредник Кейт", Т/с.
11.15 "Без ызына", Х/ф.
13.10 "Хўмво".
13.30 "Эртани эгалари".
13.50 "Роғдат-intervyu".
14.10 "Профессионал".
14.30 "Кантогадиз".
14.50 "Роғдат-бизнес".
15.10 "Интимок", Т/с.
15.50 "Роғдат-сронт".
16.15 "Омдази ыйинчи", Б/ф.
17.35 "Поштак Ёйларда".
17.55 "Ишга марҳамат".
18.20 "Саломат бўлинг" тележурнали.
18.50 "Моҳир".
19.00 "Ўле Мария", Т/с.
19.45 "Теле-маркет".
20.20 "Интимок", Т/с.
21.10 "Телеахдаги".
21.35 "Роғдат-madaniyat".
21.45 "Теле-маркет".
22.20 "Австралия", Х/ф, 2-қисм.
22.45 "Роғдат-Hi-tech".
00.05 "Обод ҳолилар".
00.30 "Кўнги ҳайратлари".
1.00 "Роғдат-madaniyat".
1.10 "Посредник Кейт", Т/с.
Гран-при Бахрейна
03.45 "Полигон".
Оружие Победы
04.15 "Угрозы совре-
менного мира".
04.40 "НЕпростые
вещи". Часы
05.10 "Максимальное
приближение".
05.35 Х/ф "Застывшие
депешы"

ТВ-дастурлар «Садо» МЧЖ томонидан тақдим этилди.

ЭЪЛОНИ

Тошкент ахборот технологиялари университети
томонидан 2014 йили Бобир Бароттов номига бе-
рилган 65006 рақамли талабалик гувоҳномаси йўқол-
ганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**.

Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг барча филиаллари талабалари ўртасида "Ўзбекистоннинг интеллектуал авлоди" номли илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистоннинг интеллектуал авлоди

Уни ташкил этишда университет раҳбарияти билан бир қаторда чет тиллари, жумладан "Инглиз тили" кафедраси жонбозлик кўрсатмоқда. Таъкидлаб ўтиш жоизки, қатнашчилар ва уларнинг инновацион лойиҳалари инглиз тилида бўлиб, изоҳлар ва шарҳлар ҳам шу тилда бўлиши кўзда тутилган. Шу муносабат билан кафедранинг барча малакали ўқитувчилари сафарбар этилди.

Барча гоғлар ва лойиҳалар ва улар билан таништирув инглиз тилида ташкил этилишидан мақсад талабалар ҳам ўз мутахассислигини, ҳам чет тилини мукамал эгаллашни таъминлашдан иборат.

Конференциянинг очилиш маросими 6 апрел куни университетнинг катта мажлислар залида бўлиб ўтди. Худди шу куннинг ўзида талабалар иштирокида 1-босқич ўтказилди.

Қатнашчилар ўз соҳаларига оид барча турдаги илмий-амалий ишларини кўргазмали чиқишлар орқали намоиш қилдилар. Хусусан, улар C++, Java, Web-технологиялар ва бошқа йўналишлардаги ишларини намоиш этишди.

Анжуманнинг 2-босқичи ва финал босқичи 10-11 апрел кунлари бўлиб ўтиши режалаштирилган.

Фотима САФАРОВА,
ТАТУ "Инглиз тили" кафедраси катта ўқитувчиси
Ғуломжон НАЗАРОВ,
касб таълими факултети талабаси

Дастурлаш бўйича олимпиада

Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг ҳудудий филиалларида таҳсил олаётган талабалар ўртасида дастурлаш бўйича олимпиада бошланди. Талабалар дастлаб биринчи босқичда иштирок этишди.

Олимпиада Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.



Олимпиадада жами 220 жамоа таркибида 660 нафар талаба иштирок этди. Онлайн тарзда кечган мусобақа натижаларига кўра, ТАТУ ҳамда ТАТУнинг Урганч филиали иккинчи босқичда иштирок этадиган бўлди. Энди энг иқтидорли ёш дастурчилар 23-25 апрел кунлари ТАТУнинг Урганч филиалида ўтказилган иккинчи босқичда ўз омадларини синаб кўришади.

Жорий йилда Дастурлаш бўйича жаҳон чемпионати ўтказилиши ҳам режалаштирилган. Мазкур беллашувларга Ҳиндистон мезбонлик қилади. ТАТУда ташкил этилган олимпиада эса унга тайёргарлик вазифасини ўтайди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, 2014 йилнинг 21-26 июн кунлари Россиянинг Екатеринбург шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида илк мартаба Ўзбекистонлик талабалар ҳам иштирок этишган эди.

Акмал АЛИМАРДОНОВ,
ТАТУ талабаси

Жаҳон электрон тижорат бозори-2014

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг савдо ва тараққиёт бўйича анжумани (UNCTAD) жаҳоннинг 130 мамлакатида электрон тижоратнинг ҳолатига бағишланган ҳисоботини чиқарди.

Унда фойдаланувчиларга йўналтирилган e-commerce — B2C (business-to-consumer) татбиқ этилиш индекси тўрт кўрсаткич: интернетнинг оммавийлиги, хавфсизлик, пластик карталарнинг жорий этилиш даражаси ва почта хизматлари сифатига қараб белгиланган.

B2C глобал электрон тижорат бозори ҳажми айни пайтга келиб 1,2 триллион АҚШ долларига баҳоланяпти. Бу кўрсаткич, 15 триллион доллар ҳажмдаги B2B (business-to-business) сегментига қараганда бирмунча паст бўлса ҳамки унда ривожланиш суръати юқорироқ — Осиё ва Африканинг ривожланаётган мамлакатлари бунга яхши мисолдир.

Тадқиқотчилар ривожланаётган мамлакатлар e-commerce бозоридаги улushiни мунтазам ошириб боришади, деган тўхтамга келишган. Чунончи, 2018 йилга бориб интернет-савдоларнинг 40 фоизидан ортиги ривожланган мамлакатлар ташқарисида амалга ошади ва бунда BRICS (Бразилия, Россия, Ҳиндистон, Хитой, Жанубий Африка Республикаси) мамлакатлари муҳим рол ўйнайди.

Инфографика



БИРЛАШGAN МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ САВДО ВА ТАРАҚҚИЁТ БЎЙИЧА АНЖУМАНИ
UNCTAD

ТАРАҚҚИЁТ – БАРЧА УЧУН

UNCTAD B2C E-Commerce ИНДЕКСИ 2014


Жаҳондаги 10 етакчи мамлакат

B2C e-Тижорат индекси етакчи ўнлигидан асосан Европа мамлакатлари жой олган




Осиё ва Океаниядаги 10 етакчи мамлакат

Корея Республикаси ТОП-10га кирган Осиёнинг ягона мамлакати




Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзасидаги етакчи 10 мамлакат

Кичик ороллардан ташкил топган Тринидад ва Тобаго мазкур минтақанинг етакчи учлигига кирди



Африканинг етакчи 10 мамлакати

Интернетнинг татбиқ этилиш кўрсаткичлари жуда пастлиги – Африкада B2C электрон тижоратнинг ривожланиши йўлидаги асосий тўсиқлардан бири



* Доиралар тепасида B2C электрон тижоратнинг татбиқ этилиш даражаси фонларда кўрсатилган.

ҲАР БИР ШАХС БЕВОСИТА ЎЗИ ВА БОШҚАЛАР БИЛАН БИРГАЛИҚДА ВАКОЛАТЛИ ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИГА, МУАССАСАЛАРИГА ЁКИ ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИГА АРИЗА, ТАКЛИФ ВА ШИКОЯТЛАР БИЛАН МУРОЖААТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасидан.

Ҳар бир муурожаат қонун ҳимоясида

Янги қабул қилинган "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунда аввал амалда бўлган қонунга нисбатан бир қатор янги нормалар киритилган бўлиб, уларда тобора ривожланиб бораётган фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқларини таъминлаш, жумладан, юридик шахсларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, мамлакатимизда ахборот технологиялари ривожланиши билан боғлиқ кенг тарқалаётган "электрон муурожаат" турининг ҳуқуқий муостаҳкамлашини таъминлаш, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш ва ҳал этишдаги масъулиятини ошириш, қонунда амалиётда дуч келинаётган такрорий муурожаат, муурожаатнинг дубликат, қўшимча муурожаатлар масалаларига аниқлик киритилиб, уларни кўриб чиқишининг тартиби белгиланган.

Бу нормалар давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан муурожаатларни кўриб чиқишда ҳуқуқни қўллашнинг ягона амалиётини жорий қилиш имконини беради.

"Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида"ги қонунда фақат фуқаролар эмас, балки юридик шахсларнинг ҳам муурожаатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланди. Зеро, қонун ҳужжатларида фақат фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланган эди.

Шу билан бирга, Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаларига давлат органлари ва муассасалари маъмул ходимларининг ҳам жисмоний, ҳам юридик шахслардан келиб тушган муурожаатларга бўлган эътиборини, бу борадаги масъулиятини оширишни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчаларнинг киритилиши қонун устуворлигини таъминлашининг самарали, ҳуқуқий механизмлари такомиллашувига, шунингдек, давлат органлари мансабдор шахсларининг фуқаролар ва юридик шахсларнинг муурожаатлари

билан ишлаш борасидаги масъулиятини янада кучайтиришда алоҳида аҳамиятга эга.

Зеро, Бош қонунимизнинг 35-моддасида белгиланганидек, "Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан муурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқиши шарт".

Айни шу норма асосида қабул қилинган қатор қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мамлакатимиз фуқароларининг муурожаат қилишига бўлган конституциявий ҳуқуқларини кафолатлайди. Фуқаро қачон шикоят ёзди? Қачонки, ҳақ-ҳуқуқи бузилса, поймол этилса, манфаатига путур етса ариза ёзишга, мутасадди идора вакилларига арз қилишга мажбур бўлади.

2014 йил мобайнида инспекциянинг Қашқадарё вилояти ҳудудий бўлимасига келиб тушган 25та муурожаатни ўрганиш давомида вилоятдаги соҳа корхоналари томонидан етти ҳолатда фуқароларнинг муурожаатларини кўриб чиқишга оид норматив ҳужжатлар талаблари бузилиши ҳолатларига йўл қўйилгани маълум бўлди.

Мисол учун, Нишон тумани "Оқолтин" ҚФЙ раиси Ч.Тоғаев, маҳаллалар оқсоқоллари (20та маҳалла) ва фуқаролари (28 нафар киши) алоқа сифати пастиги юзасидан "UNITEL" масъулияти чекланган жамияти Жанубий ҳудудий бўлимига муурожаат этишган. Самарали натижалар бўлмагач, инспекциянинг ҳудудий бўлимасига муурожаат этишга мажбур бўлганлар.

Ҳудудий бўлима томонидан муурожаат кўриб чиқилиб, муурожаатчиларнинг "UNITEL" масъулияти чекланган жамияти тармоғидан фойдаланиш талаби инobatта олинди ва

ушбу ҳудудни ишончли сигнал билан қамраб олиш (база станциясини ўрнатиш) чора тадбирларини белгилаш лозим деб топилди.

Бундан ташқари, Қарши шаҳри Араловул маҳалласи, Маҳзуна кўчаси 43-уйда яшовчи З.Обилова Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекциясининг Қашқадарё вилояти ҳудудий бўлимига "Ишонч телефони"га му-

“ Фуқароларнинг муурожаатлари ўз вақтида ўрганилмаслиги ҳамда жавоб қайтарилмаслиги муурожаатларнинг кўпайишига сабаб бўлишини унутмаслигимиз керак. ”

рожаат қилиб, хонадонидидаги телефони бир неча ойдан буён ишлармаслиги ҳақида "ЎИ-Қарши" филиалига бир неча бор муурожаат қилган бўлса-да, ҳеч қандай натижа олмаганини маълум қилган. Инспекция назоратидан кейин тармоқ кабелида таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, носозлик бартараф этилди.

"SPARTA CAPITAL" хусусий корхонасининг Қарши шаҳар прокуратурасига интернет-кафеда интернетнинг узлуксиз ишлаши таъминланмаётганини юзасидан қилган муурожаати ўрганилганда, муурожаат

"Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида"ги қонун асосида кўриб чиқилмаган, жумладан, муурожаатни кўриб чиқиш муддати узайтирилганлиги тўғрисида муурожаатчи "ЎИ-Қарши" филиали томонидан оралиқ хат юборилмагани аниқланган.

Қонунчилигимизда ҳар бир фуқаро муурожаатига эътиборли бўлиш қатъий талаб қилинган. Шу нуқта назардан, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекциясининг Қашқадарё вилоят ҳудудий бўлимига томонидан қонунчиликда кўрсатилган талаблардан келиб чиқиб, фуқаролар ва юридик шахсларнинг муурожаатлари кўриб чиқилганда, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, муурожаатлар вақтида кўриб чиқилиб, уларда кўтарилган масалалар ижобий ҳал этиляпти. Бироқ, баъзи ҳолларда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилаётганига ҳам гувоҳ бўляпмиз. Айниқса, бу борада айрим ташкилот ҳамда муассаса раҳбарлари, мансабдор шахсларнинг ариза, шикоятлар ва муурожаатларга бўлган эътиборсизлик ҳолатлари ҳам мавжуд.

Ўз навбатида, ушбу камчиликларни бартараф этиш, олдини олиш мақсадида ҳудудий бўлима томонидан фуқароларнинг муурожаатларини вақтида ўрганиб чиқмаган, ариза ва шикоятларга ўз ўрнида жавоб қайтармаган ташкилот раҳбарлари ва маъмул ходимларига нисбатан тегишли чоралар кўриломоқда.

А. ҚУРБОНОВ,
Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекциясининг Қашқадарё вилояти ҳудудий бўлимига бошлиғи

Кексалари қадр топган юрт

Бобур номидаги Андижон вилоят ахборот-кўпмақола маркази ва Андижон гарнизони тасарруфидидаги 45605-ҳарбий қисм ҳамкорлигида "Кексалари қадр топган юрт" мавзусида учрашув ўтказилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ҳар қандай жамиятнинг ёши улуг одамларга бўлган эътибори ва гамхўрлиги унинг маданий даражасини белгилаши, кексаларга ҳурмат-эҳтиром, меҳр-оқибат кўрсатиш маънавий ҳаётимизнинг том маънода ажралмас қисмига айлан-

ганлиги, она юртимиз тинчлиги ва осойишталигини асраш учун мардлик ва жасорат кўрсатган боболаримиз хотирасини эъзозлаш, нурунийларни қадрлаш халқимизга хос фазилатлардан бири эканлигини таъкиллашди.

Тадбир давомида ҳарбий хизматчи оилалар фарзандлари Э.Абдулҳаев инглиз тилида ота-оналарга бағишлаб ёзган шеъри, Ф.Зуҳридинида "Кексаларни эъзозлаш", Г.Очилова "Она", "Ватан" каби шеърлари орқали кексаларга ўз ҳурмат ва эҳтиромларини изҳор этдилар.

Оддий аскарлар Б.Аҳмадалиев, Ш.Йўлдошев, Д.Абдурахмонов, С.Шамсидинов, У.Исmoilов ва Х.Каримовлар томонидан ижро этилган саҳна қўйинишлари фахрийларимизга кўтаринки кайфият бағишлади.

Тадбир доирасида АКМ ходимлари томонидан ташкил этилган "Кексалар — ҳикматлар ҳазинаси" мавзусидаги адабиётлар кўргазмаси иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Гулчехра ХАЛИЛОВА,
АКМ сектор мудири

Грид тизими

Ушбу технология негизда кейинги авлод тармоғи ресурсларини тақдим этиш асослари

Таркибида мураккаб технологиялар бўлган катта ишлаб чиқарувчи корхоналардаги ахборотни қайта ишлаш жараёнларини автоматлаштирилган тизим бўйича узлуксиз бошқаришни Грид технологияси имкониятлари асосида амалга ошириш бугунги куннинг долзарб масалаларидандир.

Бундай тизимнинг пайдо бўлишига асосий сабаб Грид технологияларига мўлжалланган янги ахборот тизимини яратиш ва фойдаланиш натижасида пайдо бўлган талаб ва вазифалар ҳисобланади. Уларни қуйидагича изоҳлаш мумкин:

- янги бизнес режаларига мослашув ва бизнес шартлари ўзгаришига тезкор ёндашув;

- бизнес жараёнларининг бошқарувини ихчамлаш;

- ташқи ташкилотлар билан самарали ҳамкорликни таъминлаш.

Грид технологиялари негизда бизнес режалар тузиш, улар ўртасида ўзаро алоқаларни таъминлаш жараёнларини бошқариш ва ахборотларни қайта ишлаш тушунчалари ётади.

Грид технологиялари интернет ҳамда маҳаллий тармоқ орқали фойдаланилмаётган ресурсларни ишлатиш имкониятини беради. Ушбу тизим таркибидаги ресурслар олдиндан тузилган режа асосида маълум бир вазифани ёки вазифалар мажмуасини муостақил бажаради.

Грид тизими ташкилот масалаларини ечиш жараёнида тармоқдаги бошқа ресурсга ҳам мурожаат этиши мумкин. Ресурслар алоҳида-алоҳида ҳисобланади, лекин улардан фойдаланиш ва уларни тармоқ шароитида қидириб топишда керакли интернет-ресурслар ишлатилади. Бунда сервисга йўналтирилган архитектура (СИА) имкониятларидан фойдаланиш катта самара беради.

СИА уч томоннинг ўзаро муносабатлари асосида тузилади, яъни сервислар билан таъминловчи асосий томон, сервис мижози ва хизматлар реестри. Таъминловчи сервис хизматини баён этади ва хизматлар реестрига сервис тўғрисидаги маълумотни жойлаштиради.

СИА корхоналарда талаб этилган ресурсларни жамлашда кенг қамровли ҳисобланади. У бизнес IT-сервисга қаратилган тўпلامдан ташкил топан бўлиб, корxonанинг бизнес жараёнлари ва ундан келиб чиқадиган вазифаларни мужассамлаштиради. Бу сервисларни ягона композит илова сифатида жамлаб, стандарт баённомалар орқали чақириш (таклиф этиш) мумкин.

Сервис — дастур ресурси ҳисобланиб, ташқи баён этишидир. Бу баён орқали сервис билан қидирув усули асосида боғлаш ва чақириш мижоз учун қулайдир.

Таъминловчи (сервис тавсия этувчи) баён этилган сервисни амалга жорий этади ва ундан ташқари мижозга талаб этилган хизмат сифатини таъминлайди.

Сервислар амалда фойдаланувчилар томонидан бошқарилувчан бўлиши керак ва архитектура жиҳатидан келгусидаги ўзгаришлар, ўсишларни қўллаб-қувватлаши лозим. Айнан шулар янги композит қўшимчалар, иловалар ишлаб чиқишга имконият туздирди.

Сервислар реестри провайдерлар ва мижоз муомаласида воситачи вазифасини бажаради. Провайдерлар ўз сервислари тўғрисидаги маълумотларни реестрда жойлаштиради ва мижозга исталган пайтда унга керакли бўлган сервисни топиш имконияти-

ни беради. Бу жараёнлар СИАнинг асосий сифати кўринишида яширин ҳолатда ётади. Сервиснинг бу жиҳати мобилликни таъминлаш хусусияти ҳисобланиб, бир сервиснинг бошқа бир сервисга ўтиши мижозлараро келишувсиз амалга оширилиши мумкин.

Якуний маҳсулот ёки якуний бир натижа олиш учун бир неча сервислар (ресурслар) маълум бир тартибда (яъни, маълум бир кетма-кетликда) бажарилиши талаб этилади. Олдинги сервис натижасида олинган натижалар кейинги сервис амалга оширилиши учун керак бўлади.

КАТ (кейинги авлод тармоқлари) ресурсларини СИА муҳитидаги Грид тизими асосида тақдим этишни қуйидагича ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

КАТнинг бошқарув сатҳи қурилмасида (яъни, бошқарув маркази вазифасини бажарувчи сервер компютерига) тармоқ операторлари томонидан тақдим этилган сервислар (хизматлар)нинг реестри яратилади, яъни тармоқ доирасида ҳар хил нуқталарда дислокация қилинган КАТ хизматлари тўғрисидаги ахборотларнинг маълумотлар базаси яратилади.

КАТ хизматлари СИА асосида тақдим этилишида унинг поғоналарида бажариладиган вазифаларни қуйидагича изоҳлаш мумкин.

СИА асосидаги КАТнинг корпоратив компонентлар поғонасида КАТ сатҳлари (кириш, транспорт, бошқарув, хизматлар)да сервислардан фойдаланиш сифатини ва функционаллигини таъминлаш вазифаларини бажаради. Корпоратив поғонада жойлашган воситалар тўплами тармоқ масштабидаги восита сифатида КАТнинг хизмат сатҳидаги сервислар келишувини таъминлайди, яъни абонент сўровига жавобан энг яхши сервисларни танлаш вазифасини бажаради.

КАТ функцияларини СИА негизда ташкил этиш унинг сервисларини типларга ажратишни тақозо этади. Сервисларни типларга ажратиш сатҳлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- юқори сатҳ сервислари — КАТнинг хизматлар сатҳида тақдим этиладиган ресурслар, иловалар;

- транспорт сатҳ сервислари — маршрутизация, протоколлар боғлиғини, ҳар хил типдаги маълумотлар тақсимотини бошқариш, яъни маълумотларни транспортировка қилиш воситалари;

- кириш сатҳ сервислари — ҳар хил типдаги маълумотларни КАТ транспорт тизимига боғлаш — тармоққа кириш интерфейслари ва протоколлари.

Композит сервислар тўплами фойдаланувчи томонидан талаб этилган сўровга боғлиқ ҳолда тузилади ва фақат шу сўров учун ишлатилади.

СИА моделига асосан КАТ сервисларини икки гуруҳга бўлиш мумкин:

Биринчиси — ресурс ва хизматларни тақдим этиш сатҳи сервислари. Иккинчиси — маълумотларни транспортировка қилиш сервислари.

СИА негизидаги КАТ хизматлари тақдим этилишида иштирок этадиган сервислар сўров бажарилиши давомида бошқарилади. Шу билан бирга, ҳамма жараёнларда ахборот хавфсизлигига алоҳида эътибор бериш талаб этилади.

Ақром САЛОҲИДИНОВ,
ТАТУ магистранти

Ахлоқий бузуқлик ва эъришчилик, индивидуализм, эгоцентризм гоҳларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди.

Мамлакатимиз умумий аҳолисининг 40 фоизини 18 ёшгача бўлган болалар, 64 фоизини эса 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Ушбу қувонарли ҳол айна пайтда мамлакатимизда яшаётган барча фуқаролар зиммасига улкан масъулият ҳам юклайди. Шу сабабли сўнгги йилларда мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида муҳим ўзгаришлар рўй бермоқда. Айниқса, ёшларни жамиятга мослаштириш, ушбу турдаги жиноятларга қарши кураш ҳамда уларни ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш, аввало, жамиятимизда "оммавий маданият"нинг кенг тус олишига қарши кураш чораларини назарда тутувчи жадал ва кенг қўламли ислохотлар олиб борилди, бу борадаги жинойий жавобгарлик масалалари такомиллашди.

Глобаллашув жараёни ва маънавий таҳдидлар

Айна вақтда бутун дунёни ташвишга солаётган нарсаси, бу интернетдаги порнографик сайтларнинг ёшлар онгига таъсиридир. Статистик маълумотларга кўра, порнографик сайтлар муҳлислар томонидан энг кўп ташриф қилинадиган сайтлар ҳисобланади. Бунга сабаб, бехаё контентга эга маҳсулотларнинг анъанавий усул билан тарқатилишининг тақиқланиши ва виртуал усулда олишнинг эркинлигидир. Албатта, бу каби сайтлар ёшларимиз онгига жуда катта салбий таъсирини кўрсатиши мумкин. Шундай экан, ёшларни интернет маданиятига ўргатилган, иложи бўлса уларга, мазкур тармоқдан фойдаланиш усулларига ва қандай сайтлардан фойдали маълумотлар олиш мумкинлигига йўл-йўриқ кўрсатадиган веб-сайтлар ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бугунги кунда интернетдаги бехаё сайтлар сони 4,2 миллион, бундай саҳифалар сони 420 миллионга етган. Бу кўрсаткич эса интернет сайтларининг 12 фоизини ташкил этади. Ушбу сайтларга саёҳат қилаётганларнинг асосий қисмини 12-17 ёшли ўсмирлар ташкил этмоқда. Бу эса реал нуқтан назардан ушбу жиноятнинг ижтимоий хавфлигини янада оширади.

Айтиш жоизки, мазкур турдаги жиноятлар ижтимоий хавфлилик хусусиятини ўсиб бораётганлиги ва ёшларни ахлоқан тўғри тарбиялашнинг муҳимлиги ушбу турдаги жиноят таркибини ва унга қарши курашнинг оптимал йўллари батафсил таҳлил қилиш зарурлиги билан ифодаланади. Негаки, тадқиқотчилар ва амалиётчи ходимлар томонидан ҳар бир жиноятнинг жинойий-ҳуқуқий хусусиятларини синчковлик билан ўрганиш ва унга қарши курашнинг оптимал йўллари ишлаб чиқиш ушбу вазифаларни ҳал қилиш имкониятини беради.

Масаланинг яна бир жиҳати шундаки, бугунги кунда порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш аёллар ва болалардан шахсоний мақсадларда фойдаланиш билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис, мазкур жиноят бошқа бир қатор жиноятларнинг содир этилишида катализатор вазифасини ўтамоқда. Суд амалиётининг таҳлили сўнгги 10-15 йил давомида ушбу ижтимоий хавфли қилмишнинг трансмиллий жиноятчилик фаолиятида даромадли фаолият сифатида намоён бўлиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Буларнинг барчаси ҳам ҳуқуқни қўлловчилар, ҳам тадқиқотчи олимлар мазкур муаммога нисбатан эътиборли муносабатда бўлишлари лозимлигини тақозо этади.

Мирсаид ҲАЙДАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси
4-босқич тингловчиси

Жондор sanoat kasb-xunar kollejida 2014-2015 йил давомида ўн битта йўналиш бўйича таълим олаётган ёшларнинг 59 нафари келгусида компютер ва компютер тизимларини сошлаш техниги, 50 нафари эса почта алоқаси хизматларини ташкил этувчи мутахассис сифатида фаолият олиб боради.

Ҳамкорлик самаралари

Мазкур коллеж ўқувчи-ёшлари билан суҳбатда бўлсангиз, улар малакали педагог, касб-хунар таълими аълочиси Йўлдош Қодиров, "Меҳнат шўхрати" ордени соҳиби Ўктам Рўзиев, олий тоифали фан ўқитувчиларидан Салтанат Тўхтамишева, Ҳабиба Самиева, биринчи тоифали педагоглардан Мақсад Раҳмонова, Дилфуза Темирова сингарилар номини алоҳида ҳурмат ва меҳр билан тилга оладилар. Билим ва хунар даргоҳи пешқадам ўқувчиларининг кейинги пайтда бир қатор ютуқ ва муваффақиятларга эришишларида бу малакали педагогларнинг хизматлари беқиёсдир. Изланувчан ва тиршқоқ ўқувчилардан компютер йўналиши бўйича таълим олаётган Юлдуз Очилова, почта алоқаси хизматларини ташкил этишни мақсад қилган Насиба Истамовалар 2013-2014 ўқув йили натижаларига биноан вилоят ҳокими стипендиясига сазовор бўлишганини шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоиз.

Иқтидорли ўқувчи-ёшлардан бири Ифтихор Ражабов кимё фани бўйича 2014 йилда ўтказилган республика олимпиадасида фахрли биринчи ўринни олган бўлса, унинг тенгдоши Тохирбек Абдурауфов айнан шу билимлар синовида совринли ўринлардан бирига муносиб деб топилди. 2014 йилги битирувчилардан бири — коллежда бухгалтерия йўналиши бўйича таълим олган Нигора Давронова "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг "Менинг бизнес гоём" танловида ўз ишланмаси билан қатнашиб, фахрли биринчи ўринни олишга муваффақ бўлган эди. Бугунги кунда Жондор тумани марказида унинг ўз тикувчилик цехи бор. Бу ерда касб-хунар коллежи битирувчиларидан уч нафари доимий иш билан таъминланган. Билим ва хунар даргоҳининг собиқ ўқувчиларидан яна бири (у кимё фани бўйича 2011 йилда ўтказилган республика олимпиадаси ғолибидир) Файзулло Исломов ҳам орзу-мақсади сари дадил интилаётган ёшлардан. Болалигиданоқ шифокор-педитр бўлишни ҳавас қилган бу йигитнинг ҳам орзуси ушалган ҳисоб - у бугунги кунда айнан шу йўналишдаги олий ўқув юртиларидан бирида таълим оляпти.

Коллежнинг 2014 йилги битирувчиларидан Шерзод Равшанов, Шаҳрўз Холов, Нурали Шукуров, Фаррух Ҳожиёвлар бугунги кунда Жондор туман телекоммуникациялар боғламасида электромонтёр вазифасида меҳнат қилаётган бўлишса, Нилуфар Аслонова ва Хадичабону Афзаловалар операторлик қилишяпти. 2013-2014 ўқув йилида Жондор sanoat kasb-xunar kollejini жами 480 нафар ўқувчи битирган бўлиб, ҳозирги пайтда уларнинг 405 нафари тегишли корхона ва ташкилотларда доимий иш билан таъминланган.

Коллежларда ўқитиш сифатини яхшилаш, керакли ўқув адабиётлари билан таъминлаш бўйича белгиланган тадбирларга биноан эса мазкур коллеж ҳам телефон (мобил) алоқаси, ёзувчизув қуролилари, тарқатма материаллар билан таъминланди. Бугунги кунда коллежда "Е-хат" электрон почта тизими жорий этилган бўлиб, у кундалик иш самарадорлигини ошириш имконини берапти. Ва энг муҳими — касб-хунар коллежи "ZiyoNET" тармоғига уланган.

Шу ўринда "Ўзбектелеком" АК Бухоро филиалининг бу борадаги сайъ-ҳаракатларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Жорий йил давомида ҳам филиал томонидан алоқа, ахборотлаштириш ва компютер технологиялари йўналишидаги касб-хунар коллежларида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, телекоммуникациялар, мобил алоқасига оид мавзуларни ўз ичига олган бир қатор ўқув семинарларини ўтказиш ва ўқувчиларнинг соҳа мутахассислари ҳамда етуқ мутахассислари билан учрашувларини ташкил этиш режалаштирилган. Бундай семинарлар давомида интернет, IP телефон, видеотелефон, IP телевидение, рақамли телевидение тизимлари бўйича тегишли маълумотлар берилади. Шунингдек, оптик алоқа линияларига хизмат кўрсатиш, бундан ташқари, NGN softswitch рӯсуми алоқа тизимлари, MSAG, IAD ва кичик MSAN қурилмалари, VAK CGM-208 рақамли коммутация тизимларини кенг тушунтириш бўйича ҳам семинар машғулотларини ўтказиш, ALCATEL рақамли коммутация воситалари макетларини ўрнатиш ва DSLAM қурилмаларини ишлатиш, CDMA-450 уяли алоқа тизимлари бўйича назарий ўқув ҳамда рақамли узатиш тизимлари STM-4, STM-16 ва DWDM воситаларини қўллаган ҳолда амалий машғулотларни йўлга қўйиш ҳам режалаштирилган.

Филиал томонидан бу борада амалга оширилган ишлар кенг кўламли бўлиб, 2015 йил учун тузилган навбатдаги чора-тадбирлар режасида, жумладан, Жондор ва Пешку sanoat kasb-xunar kollejлари билан ҳамкорликда қилинадиган ишлар белгилаб олинган. Жорий йилда ZiyoNET тармоқлари билан уланшиш тўловларини ҳомийликда бажариш, ишлаб чиқариш амалиётларини ўтказиш чоғида коллежларни IPTV видео телефон ускуналари ва видеопроектор билан таъминлаш, тегишли баннерларни ташкил қилиш, коллежларни алоқа соҳасига оид газета-журналлар, зарур ўқув қўлланмалари ва йўриқ-номалар билан таъминлаш ана шундай устувор вазифалардан ҳисобланади. Ушбу тадбирлар учун филиал томонидан жами 6 миллион сўм сарфлаш режалаштирилган.

Асқар ИСТАМОВ,
"Хабар"нинг Бухоро вилоятидаги мухбири

Иштиёқ

Марғилон шаҳридаги 2-тиббӣёт коллежи шаҳар ўрта маҳсул ўқув юртлири орасида ўз ўрни ва нуфузига эга. Ўқув юртида беш қаватли ўқувчилар тураржойи, ёғи ва қишки спорт майдони, 50 ўринли ошхона, боғ ва гулзор мавжуд.

Тураржойда ўқувчиларнинг яшашлари ва мустақил дарс тайёрлашлари учун барча шароитлар яратилган. Жумладан, коллеж ахборот-ресурс марказининг шохобчаси фаолият кўрсатяпти, маънавият-

маърифат хонаси мавжуд.

Коллежда китоб ва китобхонликка бўлган муносабат ҳақида гап кетганда, 12 миңдан зиёд китоб фондига эга АРМ ва шохобчаларининг фаол ишлаб турганию ёшлар-

нинг янги китобларни муталаа қилишга иштиёқи юқорилиги кимни ҳам севинтирмайдидейсиз!

Ахборот-ресурс марказида компютер, интернет, электрон дарсликлар хизмати йўлга қўйилган. Китобхонлар анжуманлари, шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар, давра суҳбатлари, "Энг яхши китобхон" кўрик-танлови мунтазам ўтказиб турилибди.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

Соғлиғимиз ўз қўлимизда

"Ўзбекистон почтаси" АЖ ҳамда "Ўзбектелеком" АК Фарғона филиалларида ишчи-ҳодимларнинг тиббий билимларини оширишга жиддий аҳамият бериляпти. Ҳар йили 7 апрел — Жаҳон саломатлик куну муносабати билан ташкил этиладиган маънавий-маърифий тадбирлар шунга ёрқин мисол бўла олади.

Бу йилги тадбирда иштирокчилар Саломатлик ва тиббий статистика институти мутахассислари, шифокорлар Ойдиной Насриддинова ҳамда Сирожидин Абдиевларнинг маърузаларидан баҳраманд бўдилар.

Маърузачилар Президентимизнинг 2014 йил 1 августдаги "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги қарори ва беш йилга мўлжалланган долзарб вазифалар ҳақида қисқача маълумот бердилар.

2015 йилги Жаҳон саломатлик кунига бағишланган тадбирлар "Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги" шиори остида ўтмоқда. Мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлиги борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар самараси нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан юксак баҳоланаётганлигидан кўнгул тўлади, албатта. Аммо бу бизларни хотиржамликка солиб қўймаслиги даркор. Биз овқатланишнинг олтин қоидаларни тугул, энг оддий қоидаларига ҳам риоя қилмаймиз. Нонуштини ўзинг е, тушликни дўстинг билан баҳам кўр, кечки овқатни душманингга бер — ҳикматиини ёдга тутавермаймиз. Меъёрни ҳам унутамиз.

Шифокорлар иштирокчилардан тушган саволларга тўлақонли ва далиллар билан жавоб беришди. Тадбир сўнггида иштирокчиларга соғлом овқатланиш, соғлом турмуш тарзи, сил касаллигининг олдини олиш тарғиботида бағишланган буклетлар тарқатилди.

Ҳафиза САЛЯҲОВА,
"Хабар"нинг Фарғона вилоятидаги мухбири

Энг яхши кўтубхоначи

Абдулла Қодирӣй номидаги Навоӣй вилоят ахборот-кўтубхона марказида 30 нафардан ортиқ хотин-қизлар фаолият кўрсатмоқда. Яқинда марказда "Энг яхши кўтубхоначи" танлови ўтказилди.

АКМда фаолият юритувчи ходимлардан иборат иштирокчилар "Кексаларни эъозлаш йили Давлат дастури" мавзуида чиқиш қилиб, билимдонлик, пазандалик, пантомима, эркин мавзуларда куч синашдилар.

Ҳакамлар қарорига кўра, Дилбар Жониева "Энг латофатли аёл", Ҳилола Нарзиева "Энг назокатли аёл", Фароғат Раҳматова "Энг нафосатли аёл", Муборак Каримова "Энг чевар аёл" номинаторларида ғолиб чиқиди. Соғриндорларга АКМ томонидан таъсис этилган совғалар топширилди.

Жамила БОБОМУРОДОВА,
АКМ бўлим мудирӣ

Меҳр-оқибат байрами

Наврўз қиш туғаб, баҳорнинг бошланишигина эмас, балки меҳр-оқибат, саховат, бағрикенглик байрами ҳамдир. Юртимизда ҳар йили Наврўз бир ой давомида тантана қилинади ва одамлар бир-бирларига меҳр кўрсатиб, кексалар, яқин қариндошлар, беморлар аҳволидан хабар оладилар.



рамга атаб тўкин дастурхон ёзилиб, корхона аёллари томонидан пиширилган баҳорий таомлар билан безатилди. Корхонада ишлаб, айна пайтда кексалар гаштини сураётган фахрий аёллар томонидан пиширилган баҳорнинг шоҳ таоми — сумалак жуда мазали

чиққанлигини қайта-қайта таъкидлаб, истеъмол қилишди жамоадагилар.

— Уларнинг бу мақтов ва миннатдорлик сўзлари ҳар гал руҳимизни кўтариб юборди, — дейишди сумалак "ижодкорларидан" Мастураҳон Шоназарова ҳамда Ма-

ликаҳон Илҳомовалар. — Ахир, қадимий бу таомни пиширишнинг ҳам узига хос сир ва машаққатлари бўлади. Жараёндаги бирор амални нотўғри бажарсангиз, таомингиз тотли чиқмайди. Бунга эса йўл қўйиш мумкин эмас, бу кўпчиликнинг ризқи. Корхонамиз ёшларига раҳмат, улар кечаси билан қозон кавлаб, сумалакнинг стилиб пишишига сабабчи бўлишди.

— Ҳар йили баҳорги илик узилди пайтида сумалак пишириш бизда анъанага айланган, — дейди фахрий алоқачи Насибхон Асилова. — Биз 20 йилдан ошдики, ҳар йили шу таомни пиширамиз ва бунда ҳамма иштирок этади. Шу аснода жамоадошлар орасида меҳр-оқибат кучаяди, ўзаро жипслигимиз янада мустаҳкамланади.

Байрам тadbирига таклиф этилган фахрийлар жамоа ишларига ривож тилаб, дуо қилишди.

Муборак МИРКАМОЛОВА

● Реклама ва эълонлар

"REALTOR-CONSULTING GROUP" MCHJ Buxoro filiali очиқ танлов савдоларига таклиф этади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-қарори, Жондор туман ҳокимининг 2015 йил 4 мартдаги 257-қарори ҳамда Жондор туман ҳокими биринчи ўринбосарининг 2015 йил 23 мартдаги 02/646-сонли хатига асосан тadbиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга Жондор туман Мустақиллик қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидан гишт ишлаб чиқариш цехи бино-иншоотлари қурилиши учун майдони 10000,0 кв.метрдан иборат ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:

Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал бошланғич қиймати — 4 753 400 (тўрт миллион етти юз эллик уч минг тўрт юз) сўм.

Танловда иштирок этиш истагидаги талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш мазкур хабарнома эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10.00дан 16.00га қадар қабул қилинади (13.00дан 14.00гача тушлик). Буюртманомаларни қабул қилиш 2015 йил 13 май кунини соат 18.00да тўхта-тилади.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорларнинг таклифлари Жондор туман ҳокимлиги биносида 2015 йил 14 май кунини соат 11.00дан бошлаб очилади ва талабгорларнинг таклифлари (конвертлар) очилган санадан бошлаб 10 календар кунидан ортиқ бўлмаган муддатда танлов ғолиби аниқланади.

Талабгорлар диққатига!

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми, шакллари ва шартлари шаҳар архитектура ва қурилиш бошқармаси томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади.

Танловда иштирок этиш истагидаги талабгорлар закат пули тўғрисидаги келишув имзоланганидан сўнг талабгорлар танлов ташкилотчисига қуйидаги ҳужжатларни буюртманома билан икки нусхала тақдим этадилар. Юридик шахслар: давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва уставининг нусхаси; Жисмоний шахслар: паспорт нусхаси, танловда ваколатли вакил қатнашганда унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда белгиланган тартибдаги расмийлаштирилган ишончнома; закат пули тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатининг нусхаси ҳамда танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилган, муҳрланган конвертлардаги икки нусхалаги танлов таклифи.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри (юридик шахслар учун) ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов комиссияси томонидан танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ энг юқори таклиф билдирган талабгор танлов ғолиби деб топилди.

Талабгорларга уларнинг сўровлари бўйича, энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридagi тўлов эвазига танлов ҳужжатлари тақдим этилади.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш учун тўловларни тузиладиган шартномага ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридagi закат тўловини тузиладиган закат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг ХХТУТ: 83400, СТИР: 207186573, МФО: 00115, АТ "Қишлоқ қурилиш банк"нинг БВМФдаги 20208000500234536002 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Буюртманомани қабул қилиш, танлов ҳужжатини олиш ҳамда қўшимча маълумотлар учун:

Манзил: 200100, Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй. Лицензия RR 0170,
Интернетдаги манзилмиз: www.rcg.uz, E-mail: rc.group@inbox.ru,
Тел: (0-365) 221-59-24

Танлов ташкилотчиси — "REALTOR-CONSULTING GROUP" MCHJ Buxoro filiali.

Хизматлар лицензияланган.

Ўтганларнинг охири ошди

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси ҳамда вилоят алоқа корхоналари жамоалари "Ўзбек-телеком" АК Самарқанд филиали директори Насим Жайсанова укаси
Зокир ЖАЙСАНОВНИНГ
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

"Ўзбекистон почтаси" АЖ Қашқадарё филиали жамоаси Қорашина почта алоқаси тармоғи бошлиғи
Абдушукур АЛИМАРДОНОВНИНГ
вафоти муносабати билан марҳумнинг онла аъзоларига таъзия билдиради.

Биз, ўзбекистонликлар, номи жаҳонга машҳур аждодларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Улар ўзларидаги билим, салоҳият, ақл-идрок тўғрисида авлодларига катта мерос қолдириб кетдилар. Ана шундай улғў боболаримиздан бири ўрта асрнинг йирик давлат арбоби, буюк саркарда, кучли ва марказлашган давлат асосчиси, илм-фан ва маданият ҳомийси Амир Темур ҳазратлари эди.



Буюк саркарда, илм-фан ва маданият ҳомийси

Амир Темурнинг ёшлиги ота юрти Кешда кечди. Етти ёшга тўлгач, отаси уни ўқишга беради. У ёшлик чоғлариданоқ чавандозлик ва овга ишқибоз бўлиб, қамондан нишонга ўқ узиш, от чоптириш каби турли машқ ва ҳарбий ўйинларни ёқтирар эди. Шу аснода Амир Темур моҳир чавандоз ва довиорак баҳодир бўлиб вояга етди. Бобомиз табиятан оғир, босиқ, теран фикрли ва идрокли, самимиятни тезда фаҳмлаб оладиган инсон бўлган.

Амир Темур 35 йил давомида мамлакатни бошқарди. Кўпдан-кўп ҳарбий юришлар ва жангу жадалларни амалга оширди. Амир Темур кўзга кўринган олимлар, ҳунармандлар ва моҳир усталарни ўз ҳимоясига олди, шаҳар ва қишлоқларни обод қилди. Қарвон йўлларида рабоблар, қалъалар, кўприklar, шаҳарларда масжид ва мадрасалар ҳамда боғу бўстонлар барпо этди. Энг муҳими, Шарқ билан Ғарбни боғловчи қадимий қарвон йўлларини тиклади. Амир Темур ҳаётлик давридаёқ унинг ҳарбий санъати ва давлатни бошқариш услубига бағишланган маҳсул асар яратилиб, у "Темур тузуклари" номи остида шухрат топди. Амир Темур ҳақида хориз мамлакатлари ёзувчилари ҳам асарлар ёзишган. Бобомиз ҳақидаги биринчи

китоб (1553 йил) флоренция (Италия)лик олим Перондини қаламига мансуб. Испан тарихчиси Перо Мексиканинг "Буюк Темур тарихи", машҳур испан элчиси Клавихонинг "Эсдаликлар"и ҳам шу даврда яратилди.

Шуролар тузуми даврида Амир Темур шахси ва фаолиятига бир ёқлама баҳо берилди. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг бундай қарашлар барҳам топди. Юртбошимиз саъй-ҳаракати билан Амир Темурнинг жаҳон тарихида тутган ўрни ўз жойига қўйилиб, бобомиз ҳаёти ва жанговар фаолиятини ўрганишга кенг йўл очилди. Буюк Соҳибқирон номи абадийлаштирилиб, кўплаб шаҳар ва қишлоқлардаги шоҳқўчалару майдонлар унинг номи билан аталди. Ислом Каримов ташаббуси ва раҳномалигида Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз шаҳарлари марказий майдонларида Амир Темурга ҳайкал ўрнатилди. Тошкентдаги Амир Темур хиёбонида Темурийлар даври тарихи Давлат музейи қурилиб, "Амир Темур" ордени таъсис этилди. 1996 йили ҳазрат Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги халқаро миқёсда нишонланди.

Бугун Амир Темур авлодлари Соҳибқирон бобомиз бошлаган эзгу ишларни фахру ифтихор билан давом эттирмоқдалар.

Амир Темур ҳикматлари

Бир қалима ширин сўз қилишни қинга киритар.

Тарчи, ишнинг қандай яқунлашини тақдир пардаси ортда яширин бўлса ҳам ақл расо ва ҳушёр кишилардан қонгашу тадбир истаб, фикрларини билмақ лозимдир.

Агар икки хатарлик ёки бир хатарлик ишни қилишга тўғри келгудек бўлса, икковидан баробар қутулиш чораси топилмагач, бир хатарликни иктивр этмоқ қорак.

Ўз минг отлиқ аскар қила олмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин.

Ақли душман жоҳилу нодон дўстдан яхшироқ.

Қилич ўткир бўлса ҳам ўз соғини кесмагай.

Бир қилик адолат — ўз қилик тоат-ибодатдан арза.

● Реклама

ALSKOM

суғурта компанияси



"ALSKOM" суғурта компаниясининг тиббий суғуртаси ходимларингиз соғлиги ҳақидаги гамхўрликнинг самарали воситасидир.

Иктиврий тиббий суғурта полисимиз орқали Сизга мамлакатимизнинг барча вилоят ва шаҳарлари бўйлаб жойлашган 200дан ортиқ турли тиббий муассасаларда тиббий хизматлар кўрсатилади.

Шифокорни уйга чақириш

Дори-дармон таъминоти

Стоматологик хизмат

Шошилинч тиббий ёрдам

Вакцинация ва диспансеризация

Амбулатория-поликлиника ва стационар хизмат

Бизнинг суғурта полисимиз — Сизнинг хотиржамлигингиз!

Доимо саломат бўлинг!

www.alskom.uz

Хизматлар лицензияланган

"ALSKOM" суғурта компанияси АЖ
Тошкент ш. Амир Темур к. 109
E-mail: info@alskom.uz
Тел: 147-11-00 (211,312) Факс: 147-22-00

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
КОМУНИКАЦИЯЛАРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КҮЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Хуршид МИРЗАХИДОВ (Ҳайъат раиси), Иброҳим ЖҲРАЕВ, Абдурашид АБДУМУМИНОВ, Ҳаким МУҲИДДИНОВ, Рустан ҚОСИМОВ, Сувоп НАЖБИДИНОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфило ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган кўлэзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин. Наҳримиздан кўчириб босилганда "Хабар"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Реклама матнларининг тўғрилиги тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

Газета ҳафтанинг жума куни чиқади

"Шарқ" нашриёт-маъбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Г-465 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 12589 нуска.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент, Бунёдкор шоҳқўчаси, 8-уй.
Тел: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслиддин БҲРИЕВ.
Наҳбатчи: Аслиддин БҲРИЕВ.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.